

**ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИ КРЕДИТЛАШНИНГ  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

*Абдуназаров Шохрух Ақром ўғли*  
*ТДИУ катта ўқитувчиси, PhD*  
*E-mail: shohrux\_0507@mail.ru*

**Аннотация.** Ушбу мақолада кредитлаш ташкилотларининг жисмоний шахсларни кредитлашнинг амалдаги ҳолати, унинг жорий ва истиқболдаги ривожланишининг тенденциялари, таҳлилий хулосалари, амалий ечимлари такомиллаштиришнинг муҳим таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** кредит, микрокредит, микроқарз, ипотека, тижорат банклари, микрокредит ташкилотлари, бадал, кредит фоизи.

Бозор муносабатларининг чуқурлашуви, замонавий технологияларнинг ривожланиши, шунингдек аҳоли ўз турмуш даражасини янада яхшилашга бўлган иштиёқи истемол кредитларга бўлган талабини янада ошириб юборди. Аҳолини кредитлаш хусусида фикр юритганда асосан тижорат банклари томонидан таклиф этиладиган банк кредити назарда тутилади. Банк кредити билан амалга ошириладиган барча муносабатлар қиймат кўринишида амалга оширилади.

Рус олими О.И.Лаврушин шундай фикрича “кредит ҳозирги замон иқтисодиётининг асоси, иқтисодий тараққиётнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Йирик корхоналар ва бирлашмалар, кичик ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги ва савдо тузилмалари ҳам, жисмоний шахслар ҳам кредитдан фойдаланади (1)”.

Профессор Ш.З.Абдуллаева кредитга қуйидагича таъриф беради: Кредит - бу вақтинча бўш турган пул маблағларини пул эгаси ёки бошқалар томонидан маълум муддатга, ҳақ тўлаш шарти билан қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиққан иқтисодий муносабатлар йиғиндисидир(2).

Luminița Cernenco, Marilena Pieleanu Lazarencolar ўзларининг мақоласида “Жисмоний шахсларга бериладиган кредитларнинг давомийлиги, уларни бериш ва кафолатлаш, кредиторнинг масъул идоралар томонидан рухсат берилган ички тартиб-қоидаларига биноан шартнома асосида амалга оширилади” –деб таъкидлаганлар(3).

Orazio Attanasio, Britta Augsburg, Ralph De Haas, Emla Fitzsimons, Heike Harmgartлар ўзларининг изланишларида “Жисмоний шахсларга кредитларни берилиши қишлоқ жойларда оилавий бизнесни очиш эҳтимоли юқорилиги ҳақида далиллар олган. Бундан ташқари, улар томонидан кредит олган қишлоқдаги олий маълумотли бўлмаган аёллар ўртасида истемолни оширганлигига гувоҳ бўлганлар(4)”.

# BARQAROR IQTISODIY O‘SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

Жиркина Наталья Ивановна ўзининг илмий ишида “Жисмоний шахсларга кредит бериш тушунчаси таъриф бериб, шунингдек, унинг таркиби ҳисобланган шахсий, чакана ва истеъмол кредитларини мазмун-моҳиятини очиб берган(5)”.

Терновская Елена Петровна ва Лавришко Александр Сергеевичлар ўз мақоласида “Жисмоний шахсларни кредитлашнинг асосий тури ҳисобланган чакана кредитлашни хавфини камайтириш учун мамлакат ва минтақанинг иқтисодий ҳолатининг ўзига хос хусусиятларига ва мижозлар базаси эҳтиёжларининг хусусиятларига мослаштирилган кредит маҳсулоти турини (ёки уни модернизация қилиш йўналишини) танлаш билан самарали бизнес моделни шакллантириш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаганлар. Шу мақсадда эса, тижорат банкларининг маҳсулот сиёсатини чуқур таҳлил қилиш, кредит маҳсулотларини модернизация қилиш йўналишларини танлаш ва асослаш ҳамда банкларнинг маҳсулот сиёсатини такомиллаштириш бўйича пул-кредит сиёсатини шакллантириш учун истеъмол кредитлари турларини таснифлашнинг янги мезонлари таклиф этганлар(6)”.

PhD. Ф. Холмаматов ўзининг илмий тадқиқотида эса “Жисмоний шахсларни кредитлаш амалиётида мавжуд муаммоли ҳолатларни бартараф этиш мақсадида уларнинг ойлик даромадларидан истеъмол харажатларни чиқариб ташлагандан сўнг қолган қўшимча даромадлари асосида кредитни қайтариш жадвалини ишлаб чиқиш ва шу график доирасида кредитлаш зарурлигини”- асослаб берган(7).

Юқоридагиларни инобатга олиб, республикамизда жисмоний шахсларни кредитлаш алоҳида аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, биз тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга объекти ва фойдаланиш мақсадидан келиб чиқиб қуйидаги турларда кредитларни тақдим этилиши мумкин деб таснифладик:



1-расм. Жисмоний шахсларга ажратиладиган кредит турлари.

## BARQAROR IQTISODIY O‘SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

Таъкидлаш жоизки, банк кредитларини беришдан асосий мақсад даромад олиш бўлса, шу билан бирга ушбу кредитлар аҳолининг эҳтиёжини талабга айлантириш орқали мамлакатда истеъмол товарлар (курулиш, мебель, атомобиль ва б.) ва хизматлар таклифини ҳажмини ошишига туртки бўлади. Бу ўз навбатида, қўшимча иш жойларини яратишга, давлат бюджетига даромадлар тушишига хизмат қилади. Ривожланаётган ва иқтисодиёти ўтиш даврида бўлган давлатлар ушбу кўрсаткич даражаси нисбатан паст бўлиши мумкин. Бунинг асосий сабаби ушбу давлатларг банк тизими ҳолати ва имкониятлари ривожланган мамлакатлар банк тизимига нисбатан анчагина чегаралангандир.

Бугунги кунда тижорат банклари кредитлари аҳолига уй-жой ва бошқа узоқ муддат давомида фойдаланиладиган нисбатан юқори қийматли мол-мулкни харид қилиш, таълим олиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш, шунингдек, жорий даромад ҳажмидан катта бўлган харажатларни амалга ошириш, зарур ҳолларда оила ёки шахсий молиявий ҳолатда юзага келиши мумкин бўлган маблағ етишмовчилиги ҳолатларини бартараф этишда айна муддоадир. Шу нуқтаи назардан, банк кредитлари аҳолига ўз харажатларини ўрта ва узоқ муддатли истиқбол учун режалаштириш ҳамда амалга ошириш имкониятини яратади ва шу орқали аҳоли турмуш фаровонлигининг ошишига хизмат қилувчи муҳим манбалардан бири бўлиб хизмат қилади.

Умуман, олиб борилган таҳлиллардан шундай хулосага келишимиз мумкинки, айна вақтда республикамиз тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга ажратилган кредитларини ЯИМдаги улуши халқаро амалиётда тавсия қилинган меъёрий кўрсаткичлардан пастлиги, умуман олганда, мўътадил даражада шаклланганлигини кўрсатмоқда. Бундан ташқари, республикамиз тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга ажратилган кредитларини кредит портфелидаги улуши ҳам кўшни МДХ давлатларидан сезиларли паст эканлиги аниқланди. Аслида кўшни Қозоқистон Республикасида аҳолиси бизга нисбатан кам бўлишига қарамаздан, берилган кредитларнинг 50 фоизга яқини аҳоли ҳиссасига тўғри келмоқда. Уларда аҳолига ажратилган кредитлар қолдиғининг юқори суръатларда ўсиши асосан, давлат ижтимоий дастурлари доирасида аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилаш мақсадида ипотека кредитлари ажратиш кўламининг сезиларли даражада кенгайтирилиши ва аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини молиявий кўллаб-қувватлашга йўналтирилаётган кредит маблағлари ҳажмининг кўпайиши билан изоҳланади.

Мамлакатимиз тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларни кредитлаш ҳолатига тўғри баҳо бериш, аҳоли кредит юкининг юқори чегарасини белгилаш ва амалиётдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш орқали кредитлаш амалиётини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

# BARQAROR IQTISODIY O‘SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

Тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларни кредитлаш ҳажмини ва сифатини ошириш бўйича қуйидаги тавсияларни ишлаб чиқдик:

-банкларнинг кредит портфели таркибида аҳолига ажратилаётган кредитлар ҳажмини муттасил ошириш ҳисобига уни 20-25 фоизга, мамлакат ЯИМга нисбатан эса 10-15 фоизга етказиш лозим;

-жисмоний шахсларни, умуман тижорат банкларининг кредитлаш жараёнини соддалаштириш, аҳолини замонавий кредитлаш усулларини, яъни масофадан туриб кредит беришни расмийлаштириш тажрибасини амалиётга жорий этиш керак;

-аҳолининг тўлов қобилиятини ошириш орқали уларнинг банклардан олган кредитларнинг асосий ва фоиз тўловларини ўз вақтида қайтаришга эришиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида келтирилган долзарб масалаларнинг ҳал этилиши ва тавсияларни амалиётга қўлланилиши банклар томонидан жисмоний шахсларни кредитлаш ҳажми ва сифатини ошириш билан бирга, уларнинг турмуш даражасини яхшилаш ҳамда миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожига ижобий таъсир кўрсатади.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Лаврушин О.И. Деньги Кредит Банки. // М., - Финансы и статистика. -2006. -С. 162.
2. Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. Дарслик. –Тошкент.: “Иқтисод-молия”, 2007. -171 б.
3. Luminița Cernenco, Marilena Pieleanu Lazarencu Some hints on individual lending and different factors affecting the credit activity risks Annals of Spiru Haret University Economic Series ISSN 2393-1795 issue 4/2016
4. Orazio Attanasio, Britta Augsburg, Ralph De Haas, Emla Fitzsimons, Heike Harmgart Group lending or individual lending? Evidence from a randomised field experiment in Mongolia. MPRA Paper No. 35439, posted 16 Dec 2011 23:37 UTC
5. Жиркина Наталья Ивановна “Развитие системы кредитования физических лиц в Российской Федерации в современных условиях” номли автореферати Самара 2011
6. Ternovskaya E.P., Lavrishko A.S. (2018). Trends in the development of consumer lending products in the Russian economy and the direction of their modernization. The Eurasian Scientific Journal, [online] 5(10). Available at: <https://esj.today/PDF/71ECVN518.pdf> (in Russian)
7. Холмаматов Ф.К. Тижорат банклари кредитлаш амалиётини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент: 2019. “ИQTISOD-MOLIYA”, 2019. 11<sup>1</sup>Лаврушин О.И. Деньги Кредит Банки. // М., - Финансы и статистика. -2006. -С. 162.
8. Mamatqulov A.X. (2022). Paxtani qayta ishlash korxonalarida ishlab chiqarish faoliyati bo'yicha xom ashyo va materiallar hisobini takomillashtirish. *Scientific Journal of "International Finance & Accounting*, Issue 6, December 2022
9. Рахимов, М. Ю., & Рузмаматов, А. К. (2024). Янги лойиҳалар бошқарувидаги иқтисодий дастакларни такомиллаштириш. *World scientific research journal*, 23(2), 362-375.

# BARQAROR IQTISODIY O‘SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

10. Raximov, M. Y. (2015). Iqtisodiyot subyektlari moliyaviy holatining tahlili. O‘quv qo‘llanma. T.: *“Iqtisod-moliya*.
11. Klichev, B. (2024, fevral 23). Inson kapitalini rivojlantirishda ishchilar harakati tahlili. IIm-fan taraqqiyotida mintaqaviy iqtisodiyotni rivojlantirish va kambag‘allikni qisqartirish, Farg‘ona, O‘zbekiston. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10901976>
12. Чориев И.Х. (2023). Молиявий ҳисоботлардаги хатоликларни аниқлашда таҳлилий амаллардан фойдаланишнинг услубий жиҳатлари. *Scientific Journal of “International Finance & Accounting*, Issue 1, February 2023..
13. Қличев, Б. (2021, май 21). Маҳсулот (иш, хизматлар) га баҳо шакллантириш масалалари. Бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик фаолиятини халқаро стандартлар асосида ташкил этишнинг долзарб масалалари. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10647005>
14. Сагдиллаева, З. А., & Файзиев, У. Ш. (2023). АНАЛИЗ И ОЦЕНКА ФИНАНСОВОГО ПОЛОЖЕНИЯ ПРЕДПРИЯТИЙ. In *Бухгалтерский учет, анализ и аудит: история, современность и перспективы развития* (pp. 201-207).
15. Қличев, Б. (2021, май 21). Ўзбекистонда ишбилармонлик фаоллиги таҳлилин ташкил этиш. Бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик фаолиятини халқаро стандартлар асосида ташкил этишнинг долзарб масалалари. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10646960>
16. Рахимов, М. Ю., Мавланов, Н. Н., & Каландарова, Н. Н. (2022). Экономический анализ. Учебник. Т.: *«Экономика-Финансы*.
17. Қличев, Б. (2021, май 5). Ишбилармонлик фаоллиги индекси таҳлили. *Biznes-tahlilni rivojlantirishning zamonaviy tendensiyalari va istiqbollari*. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10647021>
18. Чориев И.Х. (2023). Молиявий инвестициялар ҳисобини такомиллаштириш. *Scientific Journal of “International Finance & Accounting*, Issue 2, April 2023.
19. Қличев, Б. (2022, сентябрь 16). Операцион фаолият таҳлилида харидор танлови асосида маҳсулотга баҳо шакллантириш масалалари. Инновацион ёндашув асосида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10647059>
20. Mamatqulov A.X. (2024). Qayta ishlash korxonalarida ishlab chiqarish hisobi va tahlilini takomillashtirish. *Jahon ilmiy tadqiqot jurnali*, 26(3), 132–140. <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3256>
21. Сагдиллаева, З., Чориев, И., Максмутов, А., & Юлдашева, Ю. (2007). Экономический анализ.
22. Қличев Бахтиёр Пардаевич. (2024). Ишчилар қўнимсизлиги таҳлили. *World Scientific Research Journal*, 23(2), 287–294. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3042>
23. Pardayevich, K. B. (2022). ANALYSIS OF PRODUCT PRICING BASED ON PRODUCT PARAMETERS AND CUSTOMER CHOICE. *Journal of new century innovations*, 6(1), 67-79
24. Mamatqulov A.X. (2023). Paxtani qayta ishlash korxonalarida xarajatlarini boshqarish va hisobga olish usullari. *Moliya ilmiy jurnali*, 3-son.
25. Mamatqulov A.X.(2023). Paxtani qayta ishlash korxonalarida ishlab chiqarish xarajatlari bo‘yicha tannarxni hisoblash usullarini takomillashtirish [https://gospodarkainnowacje.pl/index.php/issue\\_view\\_32articleview1910](https://gospodarkainnowacje.pl/index.php/issue_view_32articleview1910)